

**Муфассал асарида боғловчилар ва уларнинг ишлатилиш ўринлари****Ниязалиева Мунира Рустам қизи**Тошкент давлат Шарқшунослик
университети, 2-курс магистранти

Аннотация: Мазкур тезисда Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” асарида боғловчилар ва уларнинг жумладаги вазифалари таҳлил қилинади. Асосий эътибор боғловчиларнинг турлари, маънолари ва қўлланилиш ўринларига қаратилган.

Калит сўзлар: боғловчи, зидловчи боғловчи, уюшиқ бўлақлар, атф ҳарфлари, Замахшарий, Сибавайҳ.

Кириш

Араб тили наҳвшунослигида боғловчилар муҳим синтактик бирлик сифатида қаралади. Улар сўзлар ёки жумлаларни бир-бирига боғлаб, нутқда маъноий боғланишни таъминлайди. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” асарининг учинчи фасли айнан боғловчиларга бағишланган бўлиб, унда бириктирувчи, айирувчи ва зидловчи боғловчилар батафсил шарҳланган.

Асосий мазмун

Замахшарий боғловчиларни “атф ҳарфлари” деб атаб, уларни икки гуруҳга ажратади:

1. Сўзни сўзга боғловчилар.
2. Жумлани жумлага боғловчилар.

Боғловчилар маъносига кўра тенг боғловчи ва эргаштирувчи боғловчи вазифасини бажаради.



- Бириктирувчи боғловчилар: ва (و), фа (ف), сумма (ثم), ҳатта (حتى). Улар жумлада уюшиқ бўлақлар ёки кетма-кет воқеа-ҳодисаларни боғлайди. Масалан, “عليه وسلم دخل” — “У кирди ва салом берди”.
- Айирувчи боғловчилар: ав (أو), ам (أم), имма (إما). Улар танлов, ихтиёр ёки сўроқ маъноларини ифода этади. Масалан: “عمرو أو زيد جاءني” — “Ёнимга Зайд ёки Амр келди”.
- Зидловчи боғловчилар: ла (لا), бал (بل), лакин (لكن). Улар маънода қарама-қаршилик ва инкор муносабатини юзага келтиради. Масалан: “خالد بل بكر جاءني ما” — “Ёнимга Бакр эмас, балки Холид келди”.

Замахшарий ҳар бир боғловчининг маъноий фарқларига ҳам эътибор қаратган. Масалан, фа билан сумма иккаласи ҳам кетма-кетликка ишора қилади, аммо сумма вақт оралиғини тақозо этади. Шунингдек, ав ва амнинг сўроқ ва хабар жумлаларда қўлланиши ўртасида фарқ борлигини кўрсатган.

Хулоса

Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” асарида боғловчилар нафақат грамматик вазифаси, балки маъноий ва услубий хусусиятлари билан ҳам изоҳланган. Бу маълумотлар араб тили синтаксисини чуқурроқ англашда муҳим манба ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиятов Ш. “Муқаддамату-л-адаб” асарида тилшунослик, луғатшунослик анъаналари ва адабий-туркий сўзликнинг лексик-семантик талқини. Докторлик диссертацияси.
2. Носирова М. “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи – араб тили грамматикасига оид асар. Докторлик диссертацияси.
3. Талабов Э. Араб тили. – Тошкент, 1993.